



## 19.00.00 – ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

**ЎРТА СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ БИЛАН ЎҚИТУВЧИЛАРИ ЎЗАРО  
МУНОСАБАТЛАРИДА КОММУНИКАТИВ МАСОФА ХУСУСИЯТЛАРИ**

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022.35.21.045>

Расулов Абдулмүмин Ибрагимович

Ўзбекистон халқаро ислом академияси дин психологияси ва педагогика  
кафедраси доценти, психология фанлари доктори

Касимова Зебо Хамидовна

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

дин психологияси ва педагогика кафедраси мудири, едагогика фанлари номзоди,  
доцент

**Аннотация:** Мақолада умумтаълим мактаблари ўрта синф ўқувчилари билан ўқитувчилари ўзаро муносабатидаги коммуникатив оралиқнинг эмпирик ўрганиши натижилари ёритилган. Тадқиқотда ўқитувчи билан ўқувчи муносабатлари асосида ўқитувчи билан талабала ўзаро муносабат даражалари реципиент ва коммуникатив ролларида ўрганилган. Натижада ўқитувчи билан ўқувчилар муносабатлари коммуникатив оралиги даражалари аниқланган. Аниқловчи тажриба натижаларидан сўнгра ўқитувчи билан ўзаро муносабати коммуникатив оралиги қўйи бўлган ўқувчилардан гуруҳи шакллантирилган. Психологик тренинг тадбирларидан кейин тақорий эмпирик тажриба амалга оширилган ва ўқитувчи билан ўқувчилар ўзаро муносабати бўйича эришилган натижалар қўлга киритилган. Мақолада ўқитувчилар билан ўқувчлар ўзаро муносабати коммуникатив оралиqlари бўйича психологик тренинггача ва тренингдан кейинги эмпирик кўрсаткичлар қиёсий таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** ўқитувчи, ўқувчи, ўрта синф, муносабат, коммуникатив, коммуникатор, реципиент, оралиқ, тренинг, конвенционал муносабат, ижобий-расмий муносабат дилдан ишониш.

### ОСОБЕННОСТИ КОММУНИКАТИВНОГО ПРОСТРАНСТВА ВО ВЗАИМООТНОШЕНИЯХ УЧИТЕЛЯ С УЧАЩИМИСЯ СРЕДНИХ КЛАССОВ

Расулов Абдулмүмин Ибрагимович,

доцент кафедры психологии религии и педагогики доктор психологических наук,

Международная исламская академия Узбекистана

Касимова Зебо Хамидовна,

кандидат педагогических наук, доцент, заведующая кафедрой психология религии и  
педагогики, Международная исламская академия Узбекистана

**Аннотация:** В статье освещены результаты эмпирического исследования коммуникативного пространства во взаимодействии учащихся средней школы и учителей. В исследовании изучались уровни взаимодействия «учитель-ученик», в отношениях «преподаватель-студент» в рецептивной и коммуникативной ролях. В результате были определены уровни коммуникативного диапазона взаимоотношений учителя с учащимися. По итогам диагностического эксперимента была сформирована группа студентов с низким коммуникативным диапазоном взаимодействия с преподавателем. После психологических тренинговых мероприятий был проведен повторный эмпирический эксперимент и получены результаты по взаимодействию преподавателя с

учащимися. В статье проводится сравнительный анализ эмпирических показателей до и после психологического тренинга по коммуникативным интервалам взаимодействия студентов с преподавателями.

**Ключевые слова:** учитель, ученик, средний класс, отношение, коммуникативный, коммуникатор, реципиент, промежуточный, обучение, условное отношение, позитивно-формальное отношение, сердечное убеждение.

## **PECULIARITIES OF COMMUNICATIVE DISTANCE IN MIDDLE-CLASS RELATIONSHIPS WITH TEACHERS**

*Rasulov Abdumumin Ibragimovich,  
doctor of psychological sciences, International Islamic Academy of Uzbekistan  
associate professor at the department of psychology of religion and pedagogy*

*Kasimova Zebo Khamidovna,  
associate professor head of the psychology of religion and pedagogy department  
International Islamic Academy of Uzbekistan,*

*Abstract: The paper discusses the results of an empirical study of the communicative gap in the interaction between secondary school students and teachers. The study investigated the levels of teacher-pupil interaction in the teacher-student relationship in the receptive and communicative roles. As a result, the levels of communicative range of the student-teacher relationship were determined. As a result of the diagnostic experiment, a group of students with a low communicative range of interaction with the teacher was formed. After psychological training activities, a repeat empirical experiment was conducted and the results obtained on student-teacher interaction were obtained. The article presents a comparative analysis of empirical indicators before and after psychological training on communicative intervals of student-teacher interaction.*

*Keywords:* teacher, student, middle class, attitude, communicative, communicator, recipient, intermediate, training, conditional attitude, positive-formal attitude, cordial persuasion.

Ўқувчиликнинг ижтимоийлашувида оила, ўртоқлари, қариндошлар ва бошқа социал мухит вакиллари сингари ўқитувчилар билан муносабатлари ҳам мухим рол ўйнайди. Ўқитувчи ўқувчилар билан ўзаро муносабат жараёнида уларда фанларни ўзлаштиришда асосий таянч вазифасини ўтайди. Ўз навбатида ўқувчиликнинг шахслараро муносабатга киришишида ўқитувчининг тарбиявий таъсири мухим ҳисобланади. Шу боис ўқитувчиларнинг ўқувчилар билан муносабатлари тарбиявий таъсирнинг энг мухим усууларидан бириди. Ўқитувчи касбий масъулияти жиҳатидан ўзаро муносабатларни ташкил қилиш ва амалга ошириш бўйича тажрибага эга. У мактабдагина ўқувчини асосий фаолиятига боғлиқ бўлади, ўртоқлари ва дўстларини билан муносабатини кузатиши мумкин. Мактабдаги шахслараро муносабатлар ўқувчи учун жуда кўп материалларни беради. Ўқитувчи муносабат орқали таълим мақсадларига эришишига кўмаклашади. Ўқитувчининг ўқувчилар билан муносабатида улар ҳаётининг кўплаб омилларини ҳисобга олиши ва шунга мос равишда ўқувчилараг таъсир қиласи, кундалик ҳаётда юзага келадиган муаммоларни ҳал қилишга ўргатади.

Ўқитувчилар ва ўқувчилар ўзаро муносабатлари, хусусан бошланғич, ўрта ва юкори синф ўқувчиларига хос ёш хусусиятларини ҳисобга олишига боғлиқ. Ўқитувчи билан ўқувчи муносабатларидаги мураккаблик ўқув синкларига кўра тафовутланиши педагогдан маҳорат талаб қиласи. Ўқитувчиларнинг ҳар доим ҳам ўқувчилар билан ишончли муносабат ўрната олмаслиги, уларга бола сифатида доимо ёндашиши



ишенчли муносабатларга эришишларида маълум бир тўсик яратади. Ўқитувчилар билан муносабатлари катталарнинг ишонмаслик, англашилмовчилик, адолатсизлик, жаҳлдорлик, талабларнинг кўп ёки озлиги, ўзгалар фикрини эътиборга олмаслик, хушмуомалалик, сўз билан амал ўртасидаги зиддият, ўқитишдаги камчиликлар каби қўринишларда бузилади.

Биз тадқиқотимизда ўрта синф ўқувчилари билан ўзаро муносабатининг коммуникатив масофасини ўрганишни лозим топдик. Бу эса ўрта синф ўқувчилари билан ўқувчилар муносабатини ўзига хос психологик хусусиятларини ўрганишга хизмат қиласди.

Тадқиқот мақсади сифатида умумтаълим мактаби ўрта синф ўқувчилари билан ўқитувчилари ўзаро муносабатидаги коммуникатив масофани, ўқитувчи билан ўқувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатдаги номутаносибликларни аниқлаш ва психокоррекциялаш асосида “ўқитувчи-ўқувчи” ўзаро муносабатларининг психологик хусусиятларини ўрганишдан иборат.

Жаҳон психологиясида қатор олимлар томонида муомала ва шахслараро муносабатнинг методологик асослари ёритилган [1, 8, 14, 16, 25, 26].

Хорижий психологлар (Р.Пломин ва Х.Херманслар) шахснинг баркамол шаклланиши 3 та асосий омил таъсири билан белгиланишини кўрсатишган. Булар: 1. Шахсда мавжуд бўлган биологик имконият)-бунда одамларнинг ўзаро муносабатлари жараёнларига темперамент типининг таъсири назарда тутилади. 2.Шахснинг субъектив, яъни психологик имкониятлар жараённинг стратегиясини тузади; ўзаро муносабатга киришишни шахсан ўзи танлайди ҳамда ижтимоий турмушда уларни тўлдиради ва такомиллаштиради.3.Шахслараро муносабатлар жараёни – бу муносабатлар ва шахснинг ижтимоий-маданий, маънавий-ахлоқий шаклланишига таъсири кўрсатади. Ижтимоий-маданий муҳит шахслараро муносабатлар учун бош механизм сифатида шахснинг шаклланишини таъминлайди.Олимлар томонидан учта омил ҳам ўзаро узвий боғлиқликда шахснинг баркамол тараққиётини юзага келтиришига эътибор қаратилган [16,С.54].

Дж.Капрара ўзаро муносабатларда ижтимоий феъл-атвор меъёрларига амал қилиш шахсларда ўзаро ҳамкорлик ва бир-бирига ёрдам кўрсатишга имконият яратиб ўзаро симпатияни ҳосил қиласди, таълим жараёнига ҳалакит килувчи депрессияга, муаммоли феъл-атворга қарши курашишга ундейди. Шахслараро муносабатлар жараённида ёшларга ўзидаги интеллектуал имкониятни рўёбга чиқаришига ёрдам кўрсатиши,ижтимоий ва интеллекттуал ривожланиш нафакат ўқувчиди, балки тенгдошларида ҳам кучайиши кузатилган [16].

Когнитив тараққиёт назарияси вакили (Г.Мид) шахслараро муносабатлар шахс ижтимоийлашувининг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида баҳоланиб, унда тафаккур жараёнлари ва когнитив билимдонлик кучайишини ёритиб берган [17].

XX асрнинг бошида ўз тадқиқотларида ( АҚШда Ф.Олпорт, Россияда В.М.Бехтерев) ўзгаларнинг бор бўлиши ҳар бир кишининг фаолияти ва хулқ-атворини енгиллаштириши ҳам, қийинлаштириши ҳам мумкин, ҳатто икки кишининг ўзаро алоқаси ҳам улар фаолиятининг боришини анча ўзгартириши кузатилган [1, 8].

Рус психолог олимлари (Л.С.Виготский, А.А.Бодалев, Г.А Ковалёв, А.Н.Леонтьев) томонидан таълим жараённида ўқитувчи билан ўқувчи муносабатларининг психологик жиҳатлари таҳлил этилган [10, 13, 19, 21].

Шахс – ўзаро ҳамкорликва бошқалар билан муносабатнинг маҳсули сифатида намоён бўлиб, у бундай ҳамкорлик ва муносабатлар субъектларининг қизиқиши даражасини, ҳаяжон кучини, ҳоҳиш ёки эҳтиёжини тавсифлаб,унинг хулқ-атворида, ҳатти-ҳаракатида, кечинмаларида вужудга келади.Шахснинг муносабатлари ҳамкорликда турли даражадаги фаоллик, танловчанлик ҳамда ижобий ёки салбий томонлари билан акс этади.Мазкур омилларни эътиборга олиш ҳамкорлик фаолиятини самарали ташкил

этишни таъминланиши кўрсатилган [25].

Л.С.Виготский томонидан инсон организмининг ташки мухит билан алоқаси, унинг ички руҳий оламининг шаклланишида таъсир этадиган асосий омиллар изоҳлаб берилган. Бола шахсини шаклланишида, унинг соғлом ўсишида ирсий имкониятлар билан ижтимоий омилларнинг таъсири кўрсатиб берилган. Боланинг руҳий ривожланиши унинг ўзига яқин бўлган катта ёшдагилар билан ҳиссий алоқаси, улар билан ҳамкорлик қилиш хусусиятлари билан белгиланади. Инсоннинг мухитга бўлган муносабати ёшга қараб ўзгариб бориши, мухитнинг ўрни ҳам унинг ривожланиши, ўсишига қараб алмашиб туради. Мухитга аниқ тушунча эмас, балки нисбий тушунча деб караш лозим, чунки мухитнинг болага таъсири унинг кечинмалари орқали аниқланган [13].

Муносабат жараёнида ўқувчиларнинг шахсига хос хусусиятлари, фазилатлари, эҳтиёжларини ҳисобга олиниши, психологияк мухитни ташкил этишда педагогик маҳорати, раҳбарлик қобилияти мухим аҳамият касб этади. Ўқитувчи томонидан ўқувчи шахсига баҳо бериш, унга ўқувчилар томонидан ҳам баҳо беришини келтириб чиқарди. Ўқитувчиларнинг ўқувчиларга бўлган муносабатларидағи ҳамма камчиликлар уларнинг ҳар бирига ҳам тегишли бўлиб қолади. Ўқитувчи томонидан ўқувчиларга нисбатан тузилган тавсифномаларни таҳлил қилишда улар ўқувчиларнинг бир-бирига баҳо беришига ўз таъсирини ўтказишига эътибор қаратилган [18, 20, 22, 28, 29].

Бир қатор тадқиқотларда ўқитувчи билан ўқув муносабатлари муаммоси ҳар жабҳалардан келиб чиқиб ёритилган: педагогнинг ўсмиirlар билан мuloқot хусусиятлари [2] ўқитувчининг муаллифлик педагогик тизими니 шакллантириш [3], ўқитувчи билан ўқувчи муносабат услублари [6], ўқитувчининг ўқувчилар билан ўзаро муносабатларини психологик хусусиятлари [9], эмоционал тажрибасига кўра ўқитувчининг ўқувчилар билан муомаласидаги ўзаро муносабат усуслари [10], тарбия жараёнида муомала ва ўзаро таъсиrlашув [11], ўқитувчиларга педагогик муомала ҳақида [15], ўқитувчи билан ўқитувчи муносабатидаги муаммолар [18], ўқитувчи билан ўқувчининг диада кўринишдаги муносабатлари [20], ўқитувчининг кичик синф ўқувчилар билан диада типидаги муносабатларини инсонпарварлаштириш [22], трансакт таҳлил усулига асосланиб ўқитувчи фаолиятида коррекцияли муносабатни шакллантириш [23], ўқитувчи билан ўқувчи муносабатларини оптималлаштиришнинг социал-психологик аспектлари [27], “ўқитувчи-ўқувчи” ўзаро муносабат хусусиятлари [28], “ўқитувчи-ўқувчи” муносабатини демократлаштириш [29], ўқитувчи нуқтаи назарида ўқувчи ва ўқувчи нуқтаи назарида ўқитувчи [32], педагогик муомалани оптималлаштиришда тренингни аҳамияти [33], таълимда диалогик мuloқotning хусусиятлари [34], педагогик ўзаро таъсиrlашув ўқувчи билан ўқитувчининг ўзини ўзи камол топтириш омили сифатида [35]. Ушбу тадқиқотлар ўқитувчи билан ўқувчи муносабатларининг кенгқамровли ва доимо ўрганишни тақазо этадиган муаммо эканлигини кўрсатмоқда.

Маълумки, таълим-тарбия жараёни ҳар бир халқнинг миллий, маданий, анъанавий ва ҳудудий хусусиятлари билан ҳам ажralиб туради. Шу нуқтаи назардан, ўқитувчи-ўқувчи муносабатининг миллий-ҳудудий жабҳаларини ўрганиш имкониятини беради. Маҳаллий психолог-олимлар (Л.С.Бекназарова, Г.Бердиев, А.И.Расулов, З.П.Қличева, З.Ш.Шеримбетова) тадқиқотларида ҳам ўқитувчи-ўқувчи муносабатларининг айrim қирралари ёритилган.

Ўқитувчи билан ўқувчиларнинг ўзаро муносабатлари ва ҳамкорлиги “ўқитувчи-ўқувчи” ижтимоий-психологик ролларидан келиб чиқкан ҳолда таҳлил қилинган, улар ўртасидаги “субъект-объект” қабилидаги муносабат, таълимда субъектлар ўртасидаги ўзаро муносабатда чекланишнинг мавжудлиги ўқув фаолиятида ўқитувчи билан ўқувчилар ҳамкорлигининг ўзига хос хусусиятлари, ўқув-тарбиявий жараёнда бошланғич синф ўқувчиларининг мuloқot сифатларини шакллантириш динамикаси кабилар



үрганилган [5, 7, 31, 36, 37]. Аммо ушбу тадқиқотларда ўрта синф ўқувчилари билан ўқитувчилари ўзаро муносабатидаги коммуникатив масофалар тадқиқ этилмаган. Бу муммам мазкур тадқиқот ишида эмпирик ўрганилди.

Ўрта синф ўқитувчиси билан ўқувчиси муносабатларини тадқиқ этишда борасидаги тажриба-синов иккинчи босқичда, яъни аниқловчи (тренинга қадар) ва назорат тажрибаси (тренингдан сўнгра) тарзда амалга оширилди. Аниқловчи тажрибада ўқувчилар билан ўқитувчилар ўзаро муносабатидаги коммуникатив масофаси ўрганилди. Бунинг учун Ю.Я.Рижонкиннинг “Коммуникатив оралиқни ўрганиш методикаси” дан фойдаланилди. Ўқитувчи билан ўқувчилар ўзаро муносабатида коммуникатив масофа борасида меъёрларга номувофиқ бўлган ўқувчилар саралаб олинди. Сўнгра ушбу тоифа ўқувчилар билан ҳамда ўқитувчилари иштирокида маҳсус ишлаб чиқилган тренинг дастури татбиқ этилди. Тренингдан кейинги тажрибада эса тадқиқот методикаси орқали аниқловчи ва назорат тажрибалари қиёсий ўрганилди, натижалар математик-статистика усуллари орқали таҳлил қилинди.

Тадқиқотнинг аниқловчи босқичида умумтаълим мактаблари ўрта синф ўқувчиларидан 62 нафар 5-синф, 53 нафар 6-синф, 57 нафар 7- синф ўқувчилари ва уларнинг фан ўқитувчиларидан 43 нафар жалб этилди.

Тадқиқотнинг диагностик, яъни аниқловчи тажриба-синов натижалари ўқитувчи билан ўқувчи муносабатлари тизимида ўқитувчи мuloқot субъекти сифатида ўқувчи эса индивидуал ҳолларда фақат ахборот қабул қиливчи позициясида гавдаланганилиги ҳамда мuloқotда ўз имкониятларини юзага чиқаришда қийналадиган комплексга эга бўлган болалар учраганлиги билан характерланган эди.

Назорат тажрибаларида айнан ўқитувчи билан ўқувчи муносабатларида комплекси бўлган болаларни алоҳида ажратиб олинди. Уларнинг натижаларини ўзаро таққослашда айнан ўқувчиларнинг аниқловчи тажриба ва назорат тажрибалари ишларидан кейинги натижалари алоҳида ажратиб олиниб, улар қайта ишланди ва тузатиш ишларининг самарадорлиги аниқланди.

Назорат тажрибаларидан (тренингдан сўнгра) кейин, ўқувчи ва ўқитувчиларнинг муносабатини аниқловчи методикани қайта ўтказилди. Натижаларни таҳлил этишда ўқувчи билан ўқитувчиларнинг натижаларини умумий ва хусусий ҳоллар (ўқув синфлари бўйича) таҳлил этишга эътибор қаратилди.

Назорат тажрибалари ишлари ўқитувчи билан ўқувчилар ўртасидаги муносабат тизимида ижобий ўзгаришлар олиб кириши олдиндан тахмин қилинган эди. Ўқитувчи билан ўқувчиларнинг коммуникатив оралигини баҳолаш натижаларига кўра улар муносабатида субъект – объект муносабат тизимидан субъект – субъект муносабатларига ўтиш юзасидан етарлича асосларга эришилганлиги эътироф этилди.

Тадқиқотнинг аниқловчи босқичида ўқитувчилар билан ўқувчилар муносабатларининг барча босқичлари бўйича умумий натижаларда “ишончли” ва “дилдан ишониш” ораликлари етакчилик қилганлигини таъкидлаган эдик. Аммо хусусий ҳоллардаги муносабатларда ўқувчиларнинг барчасида ҳам муносабатлар қайд қилинган муносабат даражаларида эмаслиги, уларнинг айримлари мuloқot имкониятларини рўёбга чиқаришда комплексларга дуч келаётганлиги, ўқитувчи билан муносабатда ўзларида кўркув ва тортиниш хисси борлиги туфайли ажralиб туришларини қайд этган эдик.

Назорат тажрибалари ишларидан кейинги натижаларга кўра эса ўқитувчи билан ўқувчилар муносабатидаги бундай хусусий ҳолларнинг олдини олиш оқибатида ушбу болаларнинг коммуникаторлик ва реципиент позициялари ҳамда гурӯҳнинг коммуникатив зонаси бўйича ўзгариш параметрлари бўйича ҳам сифат жиҳатдан ўзгаришга эришганликларини қайд этилди (1 – жадвал).

1 – жадвал

## Ўқитувчи билан ўқувчилар муносабатининг аниқловчи ва назорат тажрибалари натижаларининг умумий ҳолати

Мезонлар	Ўқувчилар				t	Ўқитувчи				t		
	Тренингча		Тренингдан кейин			Тренингча		Тренингдан кейин				
	x	σ	x	σ		x	σ	x	σ			
Коммуникатор -L <sub>k</sub>	0,58	0,18	0,85	0,08	-9,95***	0,70	0,20	0,75	0,09	-2,36*		
Реципиент- L <sub>p</sub>	0,58	0,23	0,77	0,09	-7,62***	0,60	0,23	0,69	0,08	-6,55***		
Гуруҳдаги коммуникатив зона	0,58	0,20	0,80	0,08	-5,61***	0,60	0,21	0,72	0,08	-3,47***		
Гуруҳдаги коммуникатив зона бўйича ўзгариш	0,03	0,08	0,14	0,09	-3,12**	0,23	0,11	0,24	0,07	1,45		

Изоҳ: \*p≤0,05; \*\*p≤0,01; \*\*\*p≤0,001

Ўқувчиларнинг коммуникатор сифатида ўқитувчилари билан муносабати ҳамда ўқитувчиларнинг ушбу позициядаги роли диагностик ва назорат тажрибалари босқичларидан кейин етарлича сифат ўзгаришига эришган.

Аниқловчи босқичда ўқувчиларнинг ўқитувчилари билан муносабатлари расмий – конвенционал муносабат даражасида эди (0,58 – коммуникатор, 0,58 – реципиент сифатида). Бу эса ўқувчиларнинг таълим жараёнида ўқитувчи билан муносабатларини мактабга келдим ва ўқувчи билан ўқитувчи шундай бўлса керак, деган стереотип бўйича ўзлари ҳам англамаган ҳолда муносабат ўрнатиб келганликларини билдиради. Аммо уларнинг назорат тажрибалари тадбирларидан кейинги натижаларида эса ўсиш кузатилди.

Ўқувчилар билан ўтказилган тренинг машғулотлари уларга завқ-шавқ улашиш билан бир қаторда, кечинмаларини бошқаларга билдириш кўниммаларини юзага чиқариш имкониятини келтириб чиқарди. Бу эса натижаларни “дилдан ишониш” даражасига ўсиб ўтганлиги (0,85; p<0,001) да кузатилди.

Ўқитувчиларнинг муносабатларида эса анъанавий муносабат даражаси, яъни ишончли муносабат (аниқловчи босқичда – 0,70), назорат тажрибалари босқичидан кейин (- 0,75) даражаси сақланиб қолган бўлса-да, ўқувчилардаги натижаларда қисман ўзгарган ( $t=2,36$ ;  $p<0,05$ ) да кузатилди.

Ўқувчиларнинг реципиентлик позицияси бўйича натижалари ҳам ўзига хос сифат ўзгаришларини келтириб чиқарди. Ўқувчилардаги назорат тажрибалари машғулотларига қадар ўқитувчи олдида ўзини йўкотиб қўйиш, фикрларини баён этишда ҳаяжонга берилиш, машғулотдан паст баҳо олиб, жазоланишдан қўра жим ўтиришни афзал кўриш каби нуқсонларга бир мунча бўлса-да, барҳам берилган.

Ўқувчиларнинг реципиентлик позицияси бўйича натижалари “расмий конвенционаллик” даражасидан “ишончлилик” (0,77 ва ишончлилик фарқлари  $t=-7,62$ ;  $p<0,001$ ) даражасига ўсиб ўтганлиги ижобий ҳол ҳисобланади. Ўқитувчиларнинг муносабатида эса олдинги анъаналар сақланганлигини барча босқичларда кузатишимиш мумкин. Чунки назорат тажрибалар ишлари асосан ўқувчилар фаолиятига боғлиқ равища амалга оширилган эди.

Ўқитувчилар эса бу тадбирларнинг кузатувчиси сифатида иштирок этганликлари сабабли, уларнинг натижалари тўғрисида батафсил тўхтаб ўтмаймиз.

Аммо ўқувчиларнинг ўқитувчиларига нисбатан муносабатининг умумий ва хусусий ҳолларига алоҳида тўхталиб ўтишимиз жоиз.

Бизнинг психологик тузатиш ишларимиз ўқитувчи билан муносабатда комплекси бор болаларнинг ўзларида релаксация туйғусини кечира олганлиги, ҳиссий кўтаринкилик рухига эга бўлганлиги гуруҳнинг коммуникатив зonasида ҳам сифат ўзгаришларини

келтириб чиқарди, яни ўқувчиларнинг умумий натижаларида ҳам, хусусий натижаларида ҳам ўзгаришни келтириб чиқара олган ( $0,58$  билан  $0,80$ ; ишончлилик фарқлари  $t = -5,61$ ;  $p < 0,001$ ).

Аммо бизнинг назорат тажрибалари тадбири мизда кўзда тутилган биргина вазифани уддалаш имконияти рўёбга чиқмай қолди. Ўрта синф ўқитувчилар билан ўқувчилари муносабатида гурухнинг коммуникатив зона бўйича ўзгариши шкаласи бўйича ўқувчиларда микдорий ўзгариш кузатилгани билан сифат ўзгаришига эришилмади ( $0,03$  билан  $0,14$  ҳамда ишончлилик фарқлари  $t = -2,12$ ;  $p$  - аҳамиятсиз бўлди).

Бу эса ўқувчилар ўқитувчилар билан ахборот алмашини жараёнида маълумотларни узатишдан кўра қабул қилувчи ролида қолаётганлигини кўрсатади. Шунинг учун тадқиқотимизнинг таълим босқичлари бўйича таҳлилини амалга ошириш жараёнида гурухнинг коммуникатив зона бўйича ўзгаришлари кўрсаткичларига тўхталиб ўтмаймиз. Чunksi, bu кўрсаткич бўйича умумий ҳолдаги сингари, хусусий ҳолларда ҳам аҳамиятли ўзгариш кузатилмади.

Биз ўқитувчи билан ўқувчилар ўзаро муносабатидаги коммуникатив ораликтининг ички мазмуний боғланишлари таъминланганлигини текшириш мақсадида корреляцион таҳлил усулига мурожаат қилдик. Бу эса ўқувчиларнинг ўқитувчилари билан муносабатида мантикий ва мазмунан ўзгаришга эришилганлигини асослашга хизмат қилди (2. – жадвал).

Шу билан бирга шунга ҳам гувоҳ бўлдикки, ўқувчиларнинг реципиент сифатида устозларига дикқат-эътибор билан қулоқ тутишлари, ўқитувчиларнинг ҳам худди шу сингари мурожаат этишларига имкон берар экан ( $r=0,815$ ;  $p < 0,05$ ). Бу эса ўқитувчининг ўқувчиларини шахс сифатида эътироф этиши, уларнинг кечинмалари ва муаммоларини тинглаши даражасидаги муносабатидан далолат беради.

Бу айнан педагогнинг ўқувчилари билан мулоқот ўрнатишидаги асосий усуллардан бири сифатида гавдаланади. Бундан кўринадики, ўқувчилар ўқитувчилари билан муносабатлари жараёнида интернал назоратни шакллантиришга муюссар бўлишади. Чunksi уларни ўзига нисбатан ишончнинг шаклланиши, хулқ-авторидаги олдинги нуқсонларни бартараф этиш бўйича ўзида имконият ҳосил қила олганлиги, уларнинг шахс сифатида камолатини белгилайди.

2 – жадвал.

Ўқитувчи билан ўқувчилар муносабатининг аниқловчи ва назорат тажрибалари натижаларининг корреляцияси

Ўқувчилар	Ўқитувчилар				
	Мезонлар	Коммуникатор - $L_k$	Реципиент - $L_p$	Гуруҳдаги коммуникатив зона	Гуруҳдаги коммуникатив зона бўйича ўзгариш
Ўқувчилар	Коммуникатор- $L_k$	<b>0,486**</b>	<b>0,513**</b>	<b>0,372*</b>	<b>0,172</b>
	Реципиент- $L_p$	<b>0,610**</b>	<b>0,815**</b>	0,108	0,220
	Гуруҳдаги коммуникатив зона	<b>0,412*</b>	<b>0,395*</b>	<b>0,805**</b>	<b>0,217</b>
	Гуруҳдаги коммуникатив зона бўйича ўзгариш	0,175	0,060	0,105	0,243

Ўқувчиларнинг ўқитувчилар билан муносабати натижалари корреляцияси бу муносабатларда ижобий ўзгаришларга эришилганлигини яна бир бора тасдиқлади. Корреляция коэффициентлари орасида ўқувчиларнинг коммуникаторлик, реципиентлик, гуруҳдаги коммуникатив зона бўйича натижаларида ўқитувчиларнинг айнан ушбу шкаалалар бўйича тўғри ижобий боғланиш ҳосил қиласига гувоҳ бўлинди: ўқувчиларда коммуникаторликнин ўғсанлиги ( $r=0,486$ ;  $p<0,05$ ) ўз ўқитувчилари билан муносабатда ишонч ва хайриҳолик ортишига олиб келиш билан бир қаторда, улар ўқитувчиларидан ҳам ўзлари кутган жавобни олишга мусассар бўлишларидан далолат бермоқда. Ўз навбатида реципиент сифатида ҳам ўқитувчилари билан самимий ва ишончли муносабатга шерик сифатида ўзларини намоён этишга эришишлари мумкинлиги қайд этилди ( $r=0,610$ ;  $p<0,01$ ).

Бу билан бизнинг психологик тузатиш ишларимиз ўқувчиларнинг когнитив фаолиятидан кўра, уларнинг хулқ-авторига ўзгаришлар олиб кира олганлигининг гувоҳи бўламиз. Агар уларда экстерналлик ҳолати сақланиб қолганда эди, ўқувчилар оддий муносабат шароитларида ҳам ўзларида табиий мавжуд бўлган ишонч туйғусига нисбатан ўқитувчи ёки бошқа бирор бир киши томонидан берилган танбеҳ таъсирида “гардиш эффицити” таъсири юз беришидан халос бўла олмас эдилар.

Биз ушбу тадқиқотимизнинг давоми сифатида ўқувчиларнинг назорат тажрибалари (тренингдан кейинги) дан кейинги натижалари хусусида, яъни уларнинг таълим босқичлари бўйича натижаларини таҳлил этишга ҳаракат қиласиз. Бу эса амалга оширган тадқиқотимиз ва унинг натижаларининг илмий қийматини бир бора оширишга олиб келади. Бу борадаги дастлабки таҳлилни 5 – синф ўқувчиларнинг кўрсаткичлари бўйича амалга оширилади. Таълим босқичининг ушбу даври ўқувчиларда ўқитувчи тўғрисидаги тасаввурларни такъослаш имконияти шаклланишининг илк даври саналади.

Агар ўқувчи ушбу босқичда ўқитувчиси билан муносабатини ижобий ва самимий тарзда ташкил эта олмаса, ўқитувчи томонидан ўз ҳатти-ҳаракатларини баҳолаш ҳамда бошқа тенгдошлари билан ўқитувчиси муносабатларини кузатиш орқали улар амалга оширган мулоқотни тўғри ташкил этишга ҳавас билан қарашидаги ички зиддиятларга дуч келиши шахс сифатида камол топишида ҳам кучли тўсикларни келтириб чиқаради. Бундай ҳолатлар тадқиқотдаги ўқитувчи билан мулоқот ўрнатишда ўз имкониятларини рўёбга чиқара олмаган ўқувчиларда комплекслар ҳосил бўлишининг бир шартидир.

5 – синф ўқувчилари ўқитувчилари билан муносабатларидаги ахборот коммуникатори сифатидаги нуксонларини бартараф этишга мусассар бўлдилар. Улар ўқитувчилари билан ҳам коммуникатор ( $0,53$  ва  $0,78$ , ишончлилик фарқлари  $t=-6,69$ ;  $p<0,001$ ), ҳам реципиент сифатида ( $0,49$  ва  $0,73$ ; ишончлилик фарқлари  $t=-10,24$ ;  $p<0,001$ ) ўсишга эришганлигини гувоҳи бўлинди. Ўқувчиларнинг умумий натижаларида уларнинг коммуникатор сифатидаги муносабати “дилдан ишонч” дарражасига ўсиб ўтганлиги уларнинг ўқитувчилари билан муносабатда эмоционал яқинлашувни таъминлай олишга ва ўзлари орзу қилган ўртоқлари дарражасига эришганликлари билан характерланмоқда. Ўз навбатида уларга нисбатан ўқитувчиларнинг муносабати ҳам ижобий кўриниш олди (3 –жадвал).

### 3 – жадвал.

Ўқитувчи билан ўқувчилар аниқловчи ва назорат тажрибаларининг натижалари (5 – синф  $n=15$ )

	Ўқувчилар				t	Ўқитувчи				t		
	Тренинггача		Тренингдан кейин			Тренинггача		Тренингдан кейин				
	x	$\sigma$	x	$\sigma$		x	$\sigma$	x	$\sigma$			
Ўқувчи Коммуникатор - $L_k$	0,53	0,14	0,78	0,09	-6,69***	0,69	0,25	0,78	0,11	-1,86		
Ўқитувчи реципиент - $L_p$	0,49	0,15	0,73	0,09	-10,24***	0,68	0,24	0,71	0,09	-6,01***		
Гуруҳдаги коммуникатив зона	0,56	0,14	0,75	0,09	-8,30***	0,69	0,24	0,75	0,10	-3,45***		
Гуруҳдаги коммуникатив зона бўйича ўзгариш	0,02	0,04	0,08	0,05	2,12	0,24	0,09	0,26	0,10	1,76		

Изоҳ: \*\* $p\leq 0,01$ ; \*\*\* $p\leq 0,001$



5 – синф ўқувчилари назорат тажрибалари шароитида бажариши лозим бўлган топширикларга ёндашишда, уларни тушунишда бир оз қийинчиликларга дуч келганликлари, яъни тренинг машғулотларини бажаришда уларнинг шартини идрок этишдаги қийинчилик ва тренингни бошлашдаги журъатсизликларини бартараф этиб, ўқитувчилари билан коммуникатив оралиқни “расмий конвенционалликдан” “ишончли” муносабат даражасига ўстира олганини ижобий баҳолашга ҳақлимиз. Ўқувчидаги гурухнинг коммуникатив зонаси бўйича қайд этилган натижалар бўйича ўсиш, унинг “Мен – у” идрок этиш тизимидан “Мен – улар” идрок этиш шаклига ўсиб ўтиши, унинг ўқитувчиси билан бир қаторда гуруҳдаги тенгдошлари билан муносабатида ҳам ўзгаришларга эришганлигидан далолат бермоқда. Ўз навбатида ўқувчининг синфдошлари томонидан “Биз – у” муносабат тизимига ҳам эга бўлишига олиб келади. Чунки аниқловчи боскичдаги тенгдошларининг натижалари билан тенглашиб олганлик, ўқувчининг ўртоклари орасида ўз кадриятларини белгилашига имкон туғдиради.

Шунингдек, 5 – синф ўқувчилари натижаларининг корреляция коэффициентлари умумий натижалар сингари коммуникатор, реципиентлик ва гурухнинг коммуникатив зонаси орасидаги ўқитувчилари натижалари билан ижобий ва тўғри боғланишлар ҳосил қила олган ( $r=0,455, p<0,05$ ,  $r=0,549, p<0,05$ ;  $r=0,580, p<0,05$ ). Реципиент сифатида ҳам ўқитувчилари билан ишончли муносабатларни шакллантиришга эришганлар  $r=0,663, p<0,01$ ;  $r=0,852, p<0,01$ ). Бундан кўринадики, 5 – синф ўқувчилари назорат тажрибалари тадбирларидан ўзларига хос таассурот ҳосил қила олганлар. Уларнинг ўқитувчилари ва тенгдошларига нисбатан ҳам муносабатларида ўзгариш аниқланди ( $r=0,544, p<0,05$ ;  $r=0,485, p<0,05$  ва  $r=0,822, p<0,01$ ).

5 – синфларда гурухнинг коммуникатив зонаси бўйича ўзгариш шкаласи кўрсаткичларида аниқлик кузатилмади. Улар ушбу шкала бўйича барibir ахборот қабул қилувчи сифатида ўз позицияларини сақлаб қолдилар. Бу эса келажакда ўрта синф ўқитувчиси билан ўқувчилари муносабатида хулкий ўзгаришлар билан бир қаторда когнитив йўналишдаги назорат тажрибалари ташкил этиш лозимлигини тақозо этади. (4. – жадвал).

Навбатдаги тахлилий материаллар 6-синф ўқувчиларининг эришган натижаларига бағишлианди. Ўқувчиларнинг таълим боскичлари ўсиб бориши уларни ўқитувчиси билан муносабат тажрибалари ортиши билан бир қаторда, айрим эътибордан четда қолиши тақозо этиладиган ҳамда одатий ҳолга айланадиган мулокот маромлари ҳам шаклланиши мумкинлигини эътироф этиш лозим.

#### 4.-жадвал.

**Ўқитувчи билан ўқувчилар муносабатининг аниқловчи ва назорат тажрибалари натижаларининг корреляция коэффициентлари  
( 5 – синф n =15 )**

ЎҚУВЧИЛАР	ЎҚИТУВЧИЛАР				
	Коммуникатор -L <sub>k</sub>	Реципиент- L <sub>p</sub>	Гуруҳдаги коммуникатив зона	Гуруҳдаги коммуникатив зона бўйича ўзгариш	
Коммуникатор -L <sub>k</sub>	0,455*	0,549*	0,580*	-0,232	
Реципиент- L <sub>p</sub>	0,663**	0,852**	-0,040	-0,022	
Гуруҳдаги коммуникатив зона	0,544*	0,485*	0,822**	0,465	
Гуруҳдаги коммуникатив зона бўйича ўзгариш	0,049	-0,198	0,211	-0,163	

Изоҳ: \* $p\leq 0,05$ ; \*\* $p\leq 0,01$

Агар ўқитувчининг ўқувчилар билан муносабатида мураббийга хос ижодкорлиги кўзга ташланмаса, у педагогик мулокот тактларини ўстириб бормаса, окибатда стереотиплашган шахсларо муносабат муҳити шаклланади. Ўқитувчи билан ўқувчининг бир-бирига нисбатан муносабатида тушунишнинг ўртача муҳити сақланиб қолади. Аслида эса шахс ривожланиши ва камолоти учун психиканинг танловчанлигини ва янтиликка нисбатан зарурат сезувчанлигини инобатга олиш лозим. Тадқиқотда 6 – синф ўқувчиларининг ўқитувчилари билан муносабати бўйича назорат тажрибаларидан кейинги эришилган натижаларида қандай динамика борлигига мурожаат этилди (5 – жадвал).

Тадқиқотнинг аниқловчи ва шакллантирувчи босқич натижаларида ўқитувчи билан ўқувчи муносабатидаги коммуникатив оралиқ умумий ҳолда “ишончли” ва “дилдан ишониш” диапазонида бўлганлиги, аммо хусусий, индивидуал ҳолларда эса “расмий конвенционал” муносабат даражасида эканлигининг гувоҳи бўлинди.

6 – синфдаги назорат тажрибаларидан кейинги эришилган натижаларда ўқитувчи билан ўқувчи муносабатлари “расмий конвенционал” муносабат диапазонининг “ижобий расмий муносабат” босқичи (0,61) дан “дилдан ишониш” диапазонининг “интим” муносабат поғонасидаги ўрта босқичига (0,88 – коммуникатор, ишончлилик фарқлари  $t=-13,69$ ;  $p<0,001$ ; 0,81 – реципиент,  $t=-6,65$ ;  $p<0,001$ ).

#### 5 – жадвал.

**Ўқитувчи билан ўқувчилар муносабатининг аниқловчи ва назорат тажрибаларининг натижалари (6 – синф, n=16 )**

Мезонлар	Ўқувчилар				t	Ўқитувчи				t		
	Тренинггача		Тренингдан кейин			Тренинггача		Тренингдан кейин				
	x	σ	x	σ		x	σ	x	σ			
Ўқувчи коммуникатор -L <sub>k</sub>	0,61	0,07	0,88	0,05	-13,69***	0,62	0,17	0,71	0,08	-3,05***		
Ўқитувчи реципиент- L <sub>p</sub>	0,61	0,15	0,81	0,08	-6,65***	0,66	0,22	0,79	0,08	-4,89***		
Гурухдаги коммуникатив зона	0,61	0,11	0,84	0,06	-9,11***	0,64	0,19	0,75	0,08	-3,5***		
Гурухдаги коммуникатив зона бўйича ўзгариш	0,04	0,005	0,05	0,002	1,07	0,22	0,06	0,24	0,09	1,63		

Изоҳ: \*\*\* $p<0,001$

Гурухдаги коммуникатив зона (-0,84,  $t=-9,11$ ;  $p<0,001$ ) ўсиб ўтишга эришилди. Бундан кўринадики, ижобий муҳит шахс шаклланишига таъсир кўрсатгани сингари, 6 – синфдаги “ижобий расмий” муносабат даражаси, ўқитувчи билан ўқувчи муносабатларида ижобий ўзгаришларни олиб кира олган. Демак, ўқитувчи билан ўқувчилар муносабатининг ilk давридаёқ муаллимлар томонидан мулокотга киришимли бўлмаган ўқувчилар билан ишлашга мўлжалланган психологик дастурлар вақти-вақти билан мактаб амалиётчи психологининг ёрдамида ташкил этилиши мақсадга мувофиқ экан. Бу тоифа ўқувчиларда таълимнинг дастлабки босқичидаёқ мавжуд оғишларни олдини олиш орқали уларнинг шахсий камолотида ўзгариш ва ютукларга эришишини таъминлаш мумкин.

6 – синф ўқитувчиси билан ўқувчиларининг назорат тажрибалари машғулотларидан кейинги эришган натижалари орасидаги корреляцияда айрим ижобий баҳолар акс этган (ўқувчилар коммуникатор сифатида ( $r=0,322$ ;  $p<0,05$ ), реципиент сифатида ( $r=0,334$ ;  $p<0,05$ ), гурухдаги коммуникатив зона бўйича ( $r =0,666$ ;  $p<0,01$ ) бўлиб ўқитувчилар билан ижобий муносабат хосил қила олган. Бундан кўринадики, ўқувчиларга ташки томондан психологик йўналиш бериш орқали уларда коммуникация соҳасидаги ўзаро тушуниш, эмпатияга қобилиятлилик, ўзаро хурмат ва ижобий

психологик мухит ҳосил қилиш учун асос яратиши мумкин экан (6 – жадвал).

Үрта синф ўқувчиларнинг ўқитувчи билан муносабатларида меҳр ва тақдирлашни кутишга эҳтиёжини реал тақдирлашга айлантириш мумкин. Бу эса болаларда ўқитувчи билан муносабатлари юзасидан рефлексиянинг шаклланишига олиб келади. Ўқувчи секин - аста ўзининг ўқитувчиси ҳамда синфдаги ўртоқлари томонидан эътироф этилиши орқали уларнинг оддийгина муносабатини эмас, балки ўзини тушунаётганликларини ҳам англаб боради. Бунинг натижасида эса ўқувчилар бир – бирларини кўзгуда акс эттиргандек тушуниб борадилар. Бундай ҳолларда ўқитувчи ўзининг муносабатларни маромга солувчи ва назорат қилувчи субъект эканлигини ёдда тутиши муҳим бўлади.

#### 6– жадвал

##### Ўқитувчи билан ўқувчилар муносабатининг аниқловчи ва назорат тажрибалари ишларидан кейинги натижаларининг корреляция коэффициентлари (6 – синф n=16 )

ЎҚИТУВЧИЛАР					
	Коммуникатор -L <sub>k</sub>	Реципиент - L <sub>p</sub>	Гуруҳдаги коммуникатив зона	Гуруҳдаги коммуникатив зона бўйича ўзгариш	
ЎҚИТУВЧИЛАР	Коммуникатор -L <sub>k</sub>	0,322*	0,334*	0,411*	0,127
	Реципиент- L <sub>p</sub>	0,384*	0,666**	0,323*	0,135
	Гуруҳдаги коммуникатив зона	0,303*	0,432*	0,529**	0,199
	Гуруҳдаги коммуникатив зона бўйича ўзгариш	0,279	0,350*	0,223	0,192

\*p<0,05 , \*\*p<0,01

Тадқиқотда ўрта синф ўқитувчиси билан ўқувчи ўзаро муносабатларини ўрганишдаги анъанасига содик қолган ҳолда ўқитувчи билан ўқувчи муносабатларини 7-синф ўқувчилари натижалари орқали ҳам таҳлил этилди (7-жадвал).

Баъзан шахслараро муносабатда шаклланган стереотиплар мулокот жараёнидаги шерикларда нуқсон ва камчилик сифатида кўзга ташланмай қолади.

#### 7-жадвал

##### Ўқитувчи билан ўқувчилар муносабатининг аниқловчи ва назорат тажрибаларининг натижалари (7 – синф )

Шкалалар	Ўқувчилар				t	Ўқитувчи				t		
	Тренинггача		Тренингдан кейин			Тренинггача		Тренингдан кейин				
	X	σ	X	σ		X	σ	X	σ			
Ўқувчи коммуникатор - L <sub>k</sub>	0,48	0,15	0,82***	0,09	-12,23***	0,75	0,07	0,78	0,13	1,03		
Ўқитувчи реципиент- L <sub>p</sub>	0,51	0,25	0,76***	0,09	-4,9***	0,65	0,14	0,70	0,07	-1,79		
Гуруҳдаги коммуникатив зона	0,49	0,20	0,79	0,09	8,16***	0,70	0,10	0,74	0,10	-1,65		
Гуруҳдаги коммуникатив зона бўйича ўзгариш	0,07	0,04	0,13	0,05	2,61*	0,24	0,09	0,26	0,10	1,76		

Изоҳ: \*p<0,05; \*\*p<0,01; \*\*\*p<0,001

Чунки 5 ва 6 – синфлардан фарқли ўлароқ аниқловчи босқичда 7 – синф ўқувчиларининг натижаларида ўқитувчи билан ўқувчи муносабатларидаги мулокот

шериклари коммуникатор (0,48) ва реципиент (0,51) ҳамда гурухдаги коммуникатив зона бўйича (0,48) “расмий конвенционал” диапазоннинг “расмий” муносабат поғонасидан ўрин олганлиги гувоҳи бўлинди.

Бундан кўринадики, ўқувчиларнинг ўқитувчилар билан муносабати фақат таълим олиш жараёнида “ўқитувчи-ўқувчи” роллари тарзида амалга оширилган. Бу ҳолатда ўқувчи мажбурият юзасидан ўқитувчиси билан муносабатга киришган. Қолган вақтда ўқитувчининг диккат фокусига тушмаган бўлиши мумкин деган мулоҳазани беришга мойилмиз.

Хулоса қилиш мумкинки, ўқувчиларнинг таълим-тарбия жараёнидаги муносабатларини тартибга солмасдан туриб, улар билан ижобий психологик муносабат ўрнатишга шарт-шароит яратса олмаймиз. Шундай қилиб, 7-синф ўқувчиларининг ўрта таълим босқичидан ўрга таълим босқичига ўтиши олдидан уларнинг ўқитувчилари билан муносабати муаммосини ҳал этиш лозим деб биламиш. Чунки уларга навбатдаги таълим босқичида бир нечта предмет ўқитувчилари билан муносабат ўрнатиш зарурати туғилади.

Бу эса факат ўқувчининг шахслараро муносабатида ички зиддиятнигина эмас, ўқитувчилар билан боғлиқ низоларни ҳам келтириб чиқариши мумкин. Бу масала юзасидан бизнинг олиб борган изланишимиз ва ундаги назорат тажрибалари ишлари дастури таълим жараёнидаги бундай муаммоларни ҳал этишга ёрдам беради, деб айта оламиш. Ўқувчиларнинг ўқитувчиси билан муносабатидаги корреляцион боғланишларни таҳлил этганимизда ҳам бунинг гувоҳи бўлдик (8. – жадвал).

**8 – жадвал.****Ўқитувчи билан ўқувчилар муносабатининг аниқловчи ва назорат тажрибалари натижаларининг корреляция коэффициентлари ( 7 – синф n =12 )**

ЎҚУВЧИЛАР	ЎҚИТУВЧИЛАР				
	Коммуникатор -L <sub>k</sub>	Реципиент- L <sub>p</sub>	Гурухдаги коммуникатив зона	Гурухдаги коммуникатив зона бўйича ўзгариш	
Коммуникатор -L <sub>k</sub>	0,791**	0,816**	0,694*	0,263	
Реципиент- L <sub>p</sub>	0,594*	0,630*	0,622*	0,280	
Гурухдаги коммуникатив зона	0,692*	0,769**	0,812**	0,220	
Гурухдаги коммуникатив зона бўйича ўзгариш	0,270	0,290	0,226	0,171	

Изоҳ: \*p<0,05; \*\*p<0,01

7 – синф ўқувчиларнинг ўқитувчилари билан муносабатидаги коммуникаторлик ( $r=0,791$ ;  $p<0,01$ ), реципиентлик ( $r=0,816$ ;  $p<0,01$ ), гурухдаги коммуникатив зона ( $r=0,694$ ;  $p<0,05$ ) ҳамда уларнинг реципиент

сифатида ҳам ўқитувчилари билан коммуникаторлик ( $r=0,594$ ;  $p<0,01$ ), ўқитувчининг реципиентлиги ( $r=0,630$ ;  $p<0,05$ ), гурухдаги коммуникатив зона бўйича ( $r=0,622$ ;  $p<0,05$ ) тўғри боғланиш ҳосил қила олган.

Бундан кўринадики, ўқувчилар билан назорат тажрибалар дастури орқали олиб



борилган тренинг натижаларига кўра коммуникаторлик, реципиентлик ва гурухнинг коммуникатив зона бўйича ўсишга эришиши ўқитувчилари билан муносабатнинг “субъект-субъект” тизимида ўсиб ўтишига хизмат килиши кузатилади. Ушбу тарздаги тадбирлар ўқитувчи билан ўқувчи муносабатларидағи эмоционал ва хулқий муаммоларни ҳал этишга замин яратади олар экан. Аммо бизнинг тадқиқотимизда ўқувчиларнинг барча таълим босқичларида гурухнинг коммуникатив зона бўйича ўзгариши қийматларида ишончли натижалар тадқиқотимизнинг диагностик ва шакллантирувчи босқичида ҳам кузатилмади. Балки бу ўқитувчи билан ўқувчининг когнитив жиҳатдан муносабатларини ўзига хос тадқиқот предмети сифатида хос методикаларни татбиқ этиш орқали изланишлар олиб боришни тақозо этар.

7-синф ўқувчилари қолган икки синф ўқувчиларига қараганда ўқитувчилари тўғрисида етарлича тасаввурни шакллантира олганлиги табиий, шундай бўлсада, улар таълим олишининг дастлабки уч йилида биз амалга оширган психологик фориглантириши ишларининг якунидаги ҳолатни кутиб яшашга маҳкум бўлган. Ўйлаймизки, бунда ота-оналар эътиборсизлигининг ҳам таъсири бор. Улар ўқитувчи билан ўқувчи муносабатларини назорат килиб бориш ва уни ҳал этиш йўллари ҳақида ўйлаб кўрмаганлар. Аммо тадқиқот доирасида амалга оширилган мазкур иш ўқитувчи билан ўқувчи муносабати доирасидаги “мулоқот танқислиги” ни ҳал этиш тадқиқот обьекти сифатида танланган таълим муассасасидагина амалга оширилган бўлса-да, уни бошқа таълим муассасалари учун ҳам шу масалани ҳал этиш максадида қўллаш истиқболларини ўйлаб кўриш лозим.

Бизнинг тадқиқотимиз билан ўрта синф ўқитувчиси билан ўқувчилари муносабатларини яхлит таҳлил этилди ва унга доир муаммоларнинг психологик ечими топилди деган холосага кела олмаймиз. Бу йўналишда ўқитувчи билан ўқувчи муносабатларининг когнитив жиҳатини алоҳида ўрганиш лозим, деган таклиф билан чекланамиз.

1. Психотренинг дастурлари ўқитувчи билан ўқувчи муносабати самарадорлигини таъминлаш учун аниқ мезон ва босқичларга эга бўлиши муҳим.

2. Психотренинг дастуридан жой олган машғулотлар ўқувчиларнинг атрофдагилар билан мулоқотга киришиши ва уларнинг ҳамкорлик ўрнатиш талабларига жавоб бериши, назорат тажрибалари ишларида самарали натижаларга эришишга тўлиқ имконият яратиши лозим.

3. Ўқитувчи билан ўқувчилар муносабатининг диагностик ва психологик тренингдан кейинги натижалари ўртасида статистик жиҳатдан ишончли қўрсаткичлар қўлга киритилганлигида ўқувчиларнинг ўқитувчи билан муносабатини самарали ташкил этишга каратилган психологик машқларнинг аҳамияти катта эканлигини англаш мумкин.

4. Ўқитувчиларнинг “расмий конвенционал” муносабатлари назорат тажрибалари туфайли “ишончли” муносабатлар даражасига ўсиб ўтганлиги кузатилди. Бу натижа эса ўқувчиларда ўзига ишонч, синфдошлари ҳамда ўқитувчи билан муносабат ўрнатишга мойиллик шакллантирилган эканлигини тасдиқлади.

5. Ўрта синф ўқитувчиси билан ўқувчилари муносабатидаги хулқий ва эмоционал жиҳатлар самарадорлигини ошириш орқали уларнинг мулоқот маромларида ижобий ўзгаришларга эришилди. Ўқитувчи билан ўқувчилар муносабатларидағи когнитив компонентлар эса алоҳида тадқиқот предмети сифатида ўрганишни талаб этади.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Allport, F. H. (1919). Behavior and experiment in social psychology. The Journal of Abnormal Psychology, 14 (15), 297–306..

2. Абрамова Г.С. Некоторые особенности педагогического общения с подростками// Вопросы психологии, 1988, №2.
3. Анисимова В.В. Внутришкольное управление развитием авторских педагогических систем учителей: Автореф. дисс. . канд. пед. наук. -Волгоград, 1998.-23 с.
4. Бараковская Н.И. Воспитание отношений сотрудничества между школьниками 5-7 классов на основе гуманистических ценностей методами педагогического консультирования: Автореф.дисс.канд. пед. наук. Екатеринбург, 1998.-27 с.
5. Бекназарова Л.С. Таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлигининг психологик хусусиятлари (педагогика коллажлари мисолида). Психол. фанл. номз. автореферати. – Тошкент, 2007. - 22 б.
6. Белкин А. С. Учитель и ученики: стиль отношений // Воспитание школьников. - 1996. №1.- С. 10-12.
7. Бердиев Г. Бошлангич синф ўқувчиларида шахсларо муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари (ақлий ривожланиши сустлашган болалар мисолида). Психол. фанл. номз. автореферати. – Тошкент, 2000. - 21 б.
8. Бехтерев, В. М. Коллективная рефлексология / В. М. Бехтерев. — Москва : Издательство Юрайт, 2019. — 473 с. 74-94.
9. Битуев В.П. Психология взаимоотношения учителя и учащихся. Улан- Уде, 1972. - 115 с.
10. Бодалёв А.А. О взаимоотношении стиля общения педагога с учащимся на их эмоциональный опыт. - В кн.: Проблемы общения и воспитания. – ТарТУ.: 1974. Ч.I. С. 185 - 192 .
11. Бойко В.В. Общение и взаимовлияние в процессе воспитания // Сов. Педагогика.1989.- № 2 - С. 65 - 70 .
12. Влияние социальных установок учителя на межличностные отношения участников педагогического взаимодействия : (учителей и учащихся средних и старших классов) : автореферат дис. ... кандидата психологических наук : 19.00.07 / Рос. акад. образования. - Москва, 1995. - 24 с.
13. Выготский Л.С. Педагогическая психология. – Москва: Педагогика,1991. - 479 с.
14. Фозиев Э.Ғ. Муомала психологияси. – Тошкент: Университет, 2001. -140 б.
15. Кан - Калик В.А. Учителю о педагогическом общении. – Москва,1987. - 190 с.
16. Карпара Дж., Сервон Д. Психология личности. – М.: Питер, 2003. - 640 с. 54 с
17. Mead, George (1934). Mind, Self, and Society. United States of America: The University of Chicago Press. pp. 173–178
18. Кессел В. Проблемы отношения учителя и учащихся. – Берлин, 1974. 416 с.
19. Ковалёв Г.А. Общение в педагогическом процессе // Школа и производство. 1989.- № 2. - С. 10 - 13.
20. Колпакова Л.М. Психологические механизмы формирования межличностных отношений в диаде «учитель-ученик» в условиях педагогической деятельности. Дисс. . канд. псих. наук. - Казань, 1997.
21. Леонтьев А.А. Педагогическое общение. – Москва, 1978. - 48 с.
22. Манникова Е.Н. Гуманизация дидактических отношений учителя с младшими школьниками в учебном процессе: Дисс. . канд. пед. наук. Таганрог, 1998.
23. Михайлова. Формирование у будущих учителей коррекционных отношений в системе «учитель-ученик» на основе трансактного анализа: Дисс. . канд. псих. наук. Магнитогорск, 1998.
24. Мудрик А.В. Общение школьников // Педагогика и психология. –Москва, 1987. - № 11. - 80 с.
25. Мясоццев В.Н. Психология отношений. Избранные психологические труды / под редакцией Бодалева А.А. М., 1995.
26. Обозов Н.Н. Психология межличностных отношений. – Киев, 1990.-191 с.
27. Панарина Т.Г. Социально-психологические основы оптимизации межличностных отношений «учитель-ученик»: Дисс. . канд. псих. наук. М., 1996.



28. Панова Е.И. Взаимоотношения «учитель ученик» // Педагогика, 1993, №6.
29. Петашник М. Демократизация школы: отношения «учитель-ученик» // Воспитание школьников, 1991, №1.
30. Разуваева Т.Н. Восприятие личности учителя младшими школьниками: Автореф. дис... канд. психол. наук. – Москва: МГПИ, 1986. - 16 с.
31. Расулов А.И. Ўқитувчи шахсининг тарбиячи сифатида ўқувчилар билан ўзаро муносабат даражалари: Психол. фанл. номз. дис... – Тошкент, 2001.-177 б.
32. Рябов А. Учитель глазами учеников и ученик глазами учителя. // Директор школы, 2002, №2.
33. Седова Н.В. Педагогическое общение: психологический тренинг для учителей // Педагогика. – 1994. - №1.С.56-59.
34. Субботский Е.В., Чеснокова О.Б. Диалогическое общение в образовании: мифы и реальность // Вопросы психологии. – Москва, 2008. - № 6.- С. 151 - 161.
35. Федотова Е.Л. Педагогическое взаимодействие как фактор личностного саморазвития учащихся и учителей: Дисс. .канд. пед. наук.-Хабаровск, 1998.
36. Шеримбетова З.Ш. Бошлангич синфлардаги ўзлаштирумовчи ўқувчиларнинг психологик хусусиятлари: Психол. фанл. номз. автореф. – Тошкент, 2007. - 20 б.
- 37.Кличева З.П. Ўқув -тарбия жараёнида мулокот – бошлангич синф ўқувчиларнинг шахсини шакллантириш асосидир. Психол. фанл. номз. автореф. - Тошкент: ЎзМУ, 2005. - 24 б.